

**ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ РАҲБАР ВА МУТАХАССИС
ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ИНСТИТУТИ, БОШ ИЛМИЙ МЕТОДИК МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.30.05.2018.Ped.68.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ РАҲБАР ВА МУТАХАССИС
ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

МАМАТҚУЛОВ ДАВЛАТЖОН МАҲАМАТЖОНОВИЧ

**МАЛАКА ОШИРИШ ЖАРАЁНИДА УМУМТАЪЛИМ МАКТАБ
РАҲБАРЛАРИНИНГ МАФКУРАВИЙ КОМПЕТЕНТЛИЛИГИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.07 - Таълимда менежмент

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Маматкулов Давлатжон Махаматжонович

Малака ошириш жараёнида умумтаълим мактаб раҳбарларининг
мафкуравий компетентлигини ривожлантириш механизмларини 3
такомиллаштириш.....

Маматкулов Давлатжон Махаматжонович

Совершенствование механизмов развития идеологической
компетентности руководителей общеобразовательных школ в процессе 19
повышения квалификации.....

Mamatqulov Davlatjon Maxamatjonovich

Improving the mechanisms for developing secondary school managers`
ideological competence in the process of professional developmant..... 37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published work..... 41

**ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ РАҲБАР ВА МУТАХАССИС
ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ИНСТИТУТИ, БОШ ИЛМИЙ МЕТОДИК МАРКАЗ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.30.05.2018.Ped.68.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ РАҲБАР ВА МУТАХАССИС
ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

МАМАТҚУЛОВ ДАВЛАТЖОН МАҲАМАТЖОНОВИЧ

**МАЛАКА ОШИРИШ ЖАРАЁНИДА УМУМТАЪЛИМ МАКТАБ
РАҲБАРЛАРИНИНГ МАФКУРАВИЙ КОМПЕТЕНТЛИЛИГИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.07 - Таълимда менежмент

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/Ped231 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.avloniy.uz) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Шарипова Дилара Джуманиязовна**
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Қуронов Муҳаммаджон**
педагогика фанлари доктори, профессор

Қаххарова Матлюба Манофовна
фалсафа фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: **Наманган давлат университети**

Диссертация ҳимояси Халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, Бош илмий методик маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.30.05.2018.Ped.68.01рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Зиё кўчаси, 6-уй. Тел.: (99871) 227-12-52; факс: (99871) 246-06-69; e-mail: avloniy@xtv.uz).

Диссертация билан Халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Зиё кўчаси, 6-уй. Тел.: (99871) 227-12-52; факс: (99871) 246-06-69).

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси).

Н.Х.Раҳманқулова
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

А.А.Бахрамов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, ф-м.ф.н., доцент

Э.Р.Юзликаева
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё миқёсида таълим барқарор тараққиётни таъминловчи асосий омил сифатида эътироф этилиб, ЮНЕСКО томонидан 2030 йилгача белгиланган халқаро таълим концепциясида «бутун ҳаёт давомида сифатли таълим олишга имконият яратиш»¹ долзарб вазифа сифатида белгиланди. Замонавий мактабда таълим сифати нафақат унда дарс берувчи ўқитувчилар, балки мактаб раҳбарининг касбий маҳорати даражаси билан ҳам белгиланади. Таълим сифатини ошириш йўлида ўз фаолиятини ташкил этаётган мактаблар юқори малакага эга ва юксак маънавиятли шахслар томонидан бошқарилса, уларда ҳар томонлама баркамол ёшлар етишиб чиқади. Шу нуқтаи назардан, мактаб раҳбарининг касбий маҳоратини ошириш билан бир қаторда, унинг маънавияти ва мафқурасини ривожлантириш ҳозирда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда жаҳонда таълим муассасалари раҳбар кадрларининг касбий билимларини ва амалий кўникмаларини ривожлантиришнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш, уларнинг таълимни ташкил этиш ва бошқариш соҳасидаги малакаларини ошириш, касбий компетенцияларини ривожлантириш моделларини такомиллаштириш каби йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда. Мазкур тадқиқотларда асосий эътибор таълим муассасалари раҳбарларининг интеллектуал салоҳиятини ошириш муаммоларига қаратилган бўлиб, уларда раҳбарнинг маънавий-ғоявий дунёқарашини ривожлантириш билан боғлиқ масалалар етарли даражада тадқиқ этилмаган. Бу эса таълим муассасалари раҳбарларини тайёрлаш ва уларнинг менежерлик салоҳиятини оширишда бир томонлама ёндашув вужудга келганини кўрсатади.

Республикамиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотларда раҳбар кадрлар касбий компетентлигини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Малака ошириш жараёнида мактаб раҳбарлари компетентлигини ривожлантиришга доир Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш»² бўйича устувор вазифалар белгиланган. Мазкур вазифалар, мактаб раҳбарларининг малака ошириш жараёнини такомиллаштириш, уларнинг касбий фаолиятга доир компетенциялари, жумладан, мафқуравий компетентлигини ривожлантирувчи механизмлар самарадорлигини оширишни тақозо қилади.

¹ Incheon Declaration/Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (World Education Forum, 19-22 may 2015, Incheon, Republic of Korea).

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сонли «2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича Ҳаракат стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 й. 6-сон, 70-модда.

Шу маънода ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги ПҚ-3160-сон, 2018 йил 14 августдаги «Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисидаги»ги ПҚ-3907-сон, 2018 йил 5 сентябрдаги «Халқ таълими тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3931-сон Қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Таълим-тарбия соҳасида ғоя ва мафқураларнинг роли, миллий мафқуранинг мазмун-моҳияти, унинг таълим-тарбия жараёнидаги аҳамияти ҳамда миллий ғоямизни ёш авлодга сингдириш масалалари ҳақидаги ҳар томонлама илмий асосланган хулосалар Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов асарлари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг маъруза ва нутқларида акс этган. Мазкур манбалар тадқиқот иши учун назарий-методологик асос бўлиб хизмат қилди.

Мафкура назарияси ва амалиёти масалалари, унинг фалсафий, ижтимоий-сиёсий ва тарбиявий жиҳатлари юртимиз олимлари Ж.Туленов, Т.Жўраев, М.Қурононов, Ш.Пахрутдинов, Н.Қ.Жўраев, Ш.Ғойибназаров, Х.Т.Одилқориев, И.Каримов, С.Мамашокиров, Ҳ.Тожиев, О.Мусурмонова, М.Қаҳҳорова, А.Ш.Бекмуродов, М.Бекмуродов, Ж.Б.Бахронов, С.Нишонова, С.Йўлдошева, Ш.А.Акрамова, З.Т.Салиева, У.Қ.Утанов, МДҲ олимлари Н.К.Баранова, С.В.Куньшиков, П.В.Колозарида, Т.И.Ойзерман, Е.Н.Чекушкина, М.А.Ковалёв, Э.Б.Боев, М.Туровская ва хориж олимлари А.Дестют де Траси, Славой Жижек, Walford George, Harold Walsby, Charles Blattberg, David Minar, Willard Mullinsлар томонидан тадқиқ этилган.

Шу билан бирга, компетентлилик ва мактаб раҳбарлари малакасини оширишнинг илмий-назарий ва педагогик асослари, таълим сифати менежментини такомиллаштириш масалалари олимларимиз Х.Ф.Рашидов, Ж.Ғ.Йўлдошев, С.Т.Турғунов, Р.Джураев, Р.Жўраев, Н.Раҳманқулова, М.Юлдашев, А.Аскарров, Я.Исмадияров, МДҲ олимлари Н.Хомский, Л.А.Петровская, А.В.Хуторский, Д.А.Иванов, Л.Н.Булыгина, Т.А.Махрачева, О.Н.Орлова, шунингдек G.Westhoff, Дж.Равен, J.C.Веассо, M.DiGiura каби хорижлик олимларнинг тадқиқотларида ўз ифодасини топган.

Мавжуд назарий манбаларда малака ошириш таълимида мактаб раҳбарларининг мафкуравий компетентлигини ривожлантирувчи механизмлар тўлиқ тадқиқ этилмаганлиги, малака ошириш жараёнида мактаб раҳбарларининг мафкуравий компетентлигини ривожлантириш муаммосининг сақланиб қолаётганлиги бу борада чуқур илмий ёндашувлар, янги билимларга бўлган эҳтиёж юзага келганлигини кўрсатмоқда.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Педагог кадрлар малакасини узлуксиз ошириш механизмини такомиллаштиришга йўналтирилган тадқиқотлар илмий натижалари асосида ўқув-методик қўлланма тайёрлаш ва амалиётга жорий этиш» мавзусидаги – 1-ХТ-0-679004-қайд рақамли инновацион лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади малака ошириш жараёнида умумтаълим мактаб раҳбарларининг мафкуравий компетентлигини ривожлантирувчи механизмларни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

«мафкуравий компетентлилик» тушунчасига умумтаълим мактаб раҳбарлари касбий фаолияти нуқтаи назаридан аниқлик киритиш;

умумтаълим мактаб раҳбарлари мафкуравий компетентлигини ривожлантиришга мўлжалланган маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этиш технологияларини аниқлаш орқали малака ошириш таълимида сенсуал (ҳиссий) функциядан самарали фойдаланиш йўллари кўрсатиб бериш;

малака ошириш жараёнида мактаб раҳбарларининг курсгача бўлган фаолиятини аниқлаш орқали мафкуравий компетентлигини баҳолаш механизмини такомиллаштириш;

умумтаълим мактаб раҳбарларида менежерлик кўникмаларини шакллантириш курси ўқув дастури мазмунини мафкуравий компетентлиликни ривожлантиришга доир мавзу билан бойитиш.

Тадқиқотнинг объекти халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти тингловчи (умумтаълим мактаб раҳбар)лари мафкуравий компетентлигини ривожлантириш бўйича малака ошириш жараёнларидан иборат.

Тадқиқотнинг предметини малака ошириш жараёнида умумтаълим мактаб раҳбарлари мафкуравий компетентлигини ривожлантириш механизмлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда қиёсий таҳлил, кузатиш, суҳбат, умумлаштириш, моделлаштириш, анкета сўровлари, тестлар, тажриба-синов натижаларини математик-статистик қайта ишлаш ва таҳлил этиш каби тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

умумтаълим мактаб раҳбарлари «мафкуравий компетентлиги»нинг мазмуни миллий ғоя ва маънавиятимизни педагог ходимлар ва таълим

олувчиларда шакллантира олиш хусусиятини ифодаловчи тушунча сифатида бойитилган;

умумтаълим мактаб раҳбарлари мафкуравий компетентлигини ривожлантиришга мўлжалланган аудиториядан ташқари машғулотлар («Янги давр раҳбари» танлови) малака ошириш таълимнинг сенсуал (ҳиссий) функциясига устуворлик бериш асосида ишлаб чиқилган;

умумтаълим мактаб раҳбарларининг мафкуравий компетентлигини баҳолаш механизми уларнинг курсгача бўлган фаолиятига доир электрон ресурс(портфолио)ни киритиш асосида такомиллаштирилган;

умумтаълим мактаб раҳбарларида менежерлик кўникмаларини шакллантириш курсининг ўқув дастурлари мазмуни мафкуравий компетентлиликни ривожлантиришга доир муаллифлик мавзуси асосида бойитилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

умумтаълим мактаб раҳбарлари мафкуравий компетентлигини ривожлантириш бўйича «Халқ таълими тизими раҳбар ходимларининг мафкуравий компетентлигини ривожлантиришнинг инновацион технологиялари» номли қисқа муддатли махсус курс дастури, «Янги давр раҳбари» («Современный руководитель») танловини ташкил этиш тартиби ишлаб чиқилган ва малака ошириш муассасаси амалиётига жорий этилган;

«мафкуравий компетентлилик», «умумтаълим мактаб раҳбарларининг мафкуравий компетентлиги», «мафкуравий муассаса», «идеолог» каби тушунчаларнинг мазмун-моҳияти муаллифлик ёндашуви асосида педагогик талқин қилинган;

умумтаълим мактаб раҳбарларининг мафкуравий компетентлигини баҳолаш механизми электрон ресурс (портфолио) билан таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик статистика методлари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти умумтаълим мактаб раҳбарлари мафкуравий компетентлигини ривожлантиришга мўлжалланган қисқа муддатли махсус курс дастури ишлаб чиқилганлиги, мафкуравий компетентлиликни баҳолаш механизми электрон ресурс (портфолио) асосида такомиллаштирилганлиги, мактаб раҳбарларида менежерлик кўникмаларини шакллантириш курси ўқув дастурлари мазмуни мафкуравий компетентлиликни ривожлантиришга доир мавзу асосида бойитилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация материалларидан умумтаълим мактаб раҳбарларининг мафкуравий компетентлигини ривожлантиришга эҳтиёж, мотив ва фаолиятни юзага чиқариш ва ривожлантириб бориш бўйича аудитория ва ундан ташқаридаги

маънавий-маърифий ишларни ташкил этишда фойдаланиш мумкинлигида кўринади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Малака ошириш жараёнида умумтаълим мактаб раҳбарларининг мафкуравий компетентлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштиришга оид илмий-тадқиқот натижалари асосида:

умумтаълим мактаб раҳбарлари «мафкуравий компетентлиги» тушунчасининг мазмуни ҳамда уни ривожлантиришнинг назарий ва методик асосларига доир назарий тавсиялардан малака ошириш курси ўқув дастурлари мазмунини такомиллаштиришда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 22 октябрдаги 02-02/4-4976-сонли далолатномаси). Натижада мактаб раҳбарларининг мафкуравий компетентлигининг минимал мазмуни белгиланиб, малака ошириш курси ўқув дастурлари мазмунан бойитилган;

малака ошириш жараёнида мактаб раҳбарларининг мафкуравий компетентлигини ривожлантиришга йўналтирилган аудиториядан ташқари машғулотларни такомиллаштириш бўйича берилган таклифлардан «Янги давр раҳбари» («Современный руководитель») танловни ташкил этиш тартибини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 22 октябрдаги 02-02/4-4976-сонли далолатномаси). Бу таклифларнинг жорий этилиши малака ошириш жараёнида мактаб раҳбарлари мафкуравий компетентлигини ривожлантиришда аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотлар мувозанатини таъминлаш имконини берган.

мафкуравий компетентликни баҳолаш механизмининг такомиллаштириш бўйича берилган таклифлар асосида малака ошириш жараёнига мактаб раҳбарларининг курсигача бўлган фаолиятини баҳолашга доир электрон ресурс (портифолио) жорий этилган. (Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 22 октябрдаги 02-02/4-4976-сонли далолатномаси). Натижада малака ошириш таълимида умумтаълим мактаб раҳбарларининг курсгача бўлган фаолиятини аниқлаш ва баҳолаш имкони вужудга келган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 19 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот доирасида жами 33 номдаги илмий иш, жумладан, 1 та ўқув-услубий кўлланма, Ўзбекистон Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 9 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.


Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 143 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган. Шунингдек, диссертациянинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг жорий этилиши ва эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Малака ошириш жараёнида умумтаълим мактаб раҳбарларининг мафкуравий компетентлигини ривожлантиришнинг назарий асослари**» деб номланиб, унда мафкура, компетентлилик, мафкуравий компетентлилик ва мактаб раҳбарларининг мафкуравий компетентлиги тушунчалари, малака ошириш муассасаларининг мафкуравий муассаса сифатидаги роли ва вазифалари, малака ошириш таълимида мактаб раҳбарларининг мафкуравий компетентлигини ривожлантиришнинг амалиётдаги аҳволи ўрганилган.

Тадқиқотда малака ошириш жараёнида мактаб раҳбарларининг мафкуравий компетентлигини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, мафкура назарияси, малака ошириш муассасаси (мафкуравий муассаса) ва мактаб раҳбарлари (идеологлар) ҳамда усул ва воситаларнинг ўзаро боғлиқлиги қуйидаги кўринишда акс этиши аниқланди (1-расм).



1-расм. Малака ошириш муассасаси ва мактаб раҳбарларининг мафкура билан ўзаро боғлиқлиги

Мафкура яхлит механизм бўлиб, таҳлиллар давомида у уч таркибий қисмдан иборат эканлиги, ушбу таркибий қисмларнинг ўзаро боғланиш даражаси мафкура таъсир кучини белгиловчи омиллиги аниқланди.

Таълим-тарбия жараёнини ташкил этувчи таълим муассасалари ва уларнинг раҳбарлари мафкурага бевосита дахлдор субъектлар ҳисобланади. Улар мафкура механизмнинг иккинчи қисмдан ўрин олиб, мафкура назариясини ёш авлодга етказиш вазифасини бажарадилар. Умумтаълим мактабларида мақсадли ғоявий-тарбиявий ишларни мафкуравий компетентлиги юқори бўлган раҳбарларсиз ташкил этиб бўлмайди.

Диссертацияда мамлакатимиз ва хорижда мафкура ва компетентлилик йўналишида олиб борилаётган илмий-тадқиқотлар таҳлил этилган. Хориждаги


мафкура ва компетентлилик йўналишидаги тадқиқотлар таҳлили мафкура ва компетентлиликнинг кўплаб жиҳатларини англаш, ушбу масалада халқаро тажрибани ўрганиш ва мазкур соҳадаги қарашлар динамикасини кузатиш имконини берди. Лекин, шунга қарамай, мазкур тадқиқотнинг асосий мазмунини ташкил этадиган мафкуравий компетентлилик масаласи мамлакатимизда ва хорижда алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаганлиги аниқланди. Шунга кўра ушбу бобда мафкуравий компетентлилик тушунчасини илмий истеъмолга киритиш таклиф этилди. Ва «*мафкуравий компетентлилик – бу шахснинг мафкура соҳасида чуқур билимга эгаллиги ва муайян мафкура бўйича кучли эътиқод (мафкуравий иммунитет)нинг шаклланганлиги ҳамда ўз мафкурасидаги гоя ва қарашларни бошқа инсонларда ҳам шакллантира олишини кўрсатувчи хусусият*», дея илмий-доктринал таъриф берилди ҳамда унинг асосий компонентлари сифатида қуйидагилар кўрсатиб ўтилди:

- мафкура соҳасида чуқур илмий-назарий билимга эгалик;
- муайян мафкура бўйича кучли эътиқод (мафкуравий иммунитет)нинг шаклланганлиги;
- ўз мафкурасидаги гояларини бошқа инсонларда ҳам шакллантира олиш малакасига эгалик.

Умумтаълим мактаб раҳбарларининг мафкуравий компетентлиги динамик характерга эга бўлиб, уни ривожлантириб бориш зарурлиги, ушбу жараён малака ошириш муассасаларида амалга оширилиши баён этилди. Шунга кўра малака ошириш муассасалари мафкуравий муассасалар эканлиги аниқланди. Мафкуравий муассасалар деганда, моддий маҳсулот ишлаб чиқармайдиган, асосан, инсон онгини шакллантириш ва ривожлантириш билан шуғулланадиган ижтимоий институтлар тушунилади. Жумладан, малака ошириш муассасаси ҳам ушбу шартларга кўра том маънода мафкуравий муассаса эканлиги илмий асосланди. Малака ошириш муассасаси зиммасига мафкура борасида икки баробар кўп вазифа юкланиши маълум бўлди. Шунга кўра, ушбу бобда малака ошириш муассасаси фаолиятида аудитория ва аудиториядан ташқари маънавий-маърифий тадбирлар мувозанатини таъминлаш бўйича илмий далиллар келтирилди.

Мазкур бобда мактаб раҳбарларининг мафкуравий компетентлигини ривожлантиришда шахс омили ҳам таҳлил этилиб, унга кўра малака ошириш муассасаси раҳбарияти ва профессор-ўқитувчилари педагогик, бошқарув ва мафкуравий компетентлиikka эга бўлиши лозимлиги аниқланди.

«Малака ошириш жараёнида умумтаълим мактаб раҳбарлари мафкуравий компетентлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш» деб номланган иккинчи бобда малака ошириш жараёнида мактаб раҳбарлари мафкуравий компетентлигини ривожлантиришга йўналтирилган назарий асослар, тадбирларни ташкил этиш методикаси ва мафкуравий компетентликни баҳолаш механизмларини такомиллаштириш масалалари баён этилди. Мазкур боб натижаси сифатида мактаб раҳбарлари мафкуравий компетентлигини ривожлантириш модели ишлаб чиқилди (2-расм).



3-расм. Малака ошириш жараёнида умумтаълим мактаб раҳбарлари мафқуравий компетентлигини ривожлантириш модели

Моделда мақсад, вазифалар, мафкуравий компетентлиликни ривожлантириш таъминоти, босқичлари ва натижа ўзаро яхлитланди. Унда мақсад сифатида умумтаълим мактаб раҳбарларининг мафкуравий компетентлигини ривожлантириш белгиланган бўлса, вазифалари этиб, мактаб раҳбарларини мафкуравий компетентликнинг назарий асослари билан таништириш, эҳтиёж ва мотивларни шакллантириш, миллий ғоя ва маънавиятимизни педагог ходимлар ва ўқувчиларда шакллантира олиш хусусиятини ривожлантириш кабилар белгиланди.

Моделда мафкуравий компетентлиликни ривожлантириш таъминоти назарий, моддий-техник ва методик таъминотга ажратилди. Назарий таъминотга миллий ғоя ва маънавиятимизнинг илмий-назарий асослари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг асар ва маърузаларида миллий ғоя ва маънавиятга оид қарашлар, миллий мафкуранинг бош ва асосий ғоялари, мафкуравий категория ва тамойиллари киритилди ҳамда уни янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди. Моддий-техник ва методик таъминот сифатида мафкуравий компетентлиликни ривожлантириш учун зарур бўлган моддий-техник ҳамда методик база назарда тутилди.

Мафкуравий компетентлиликни ривожлантириш босқичлари сифатида ташхислаш, фаолият, баҳолаш назарда тутилди. Ташхислаш босқичида мактаб раҳбарларининг маънавият ва мафкура соҳасидаги назарий билими, воқеликка соғлом мафкуравий муносабати ҳамда тарғиботчилик маҳоратини аниқлаш; фаолият босқичида аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотлардаги фаолиятлар кўрсатиб ўтилди. Баҳолаш босқичида мафкуравий компетентлиликни аудитория (ассессмент, тест) ва аудиториядан ташқари (портфолио, касбий амалиёт, малака иши ҳимояси, бадиий ва илмий адабиётлар ўқиш – китобхонлик маданияти, кўчма ва маънавий-маърифий) тадбирларда иштирок этиш даражаси орқали баҳолаш белгилаб олиниб, унинг мезон ва индикаторлари ишлаб чиқилди.

Моделда мафкуравий компетентлиликни баҳолаш мезонлари сифатида маънавият ва мафкура соҳаси бўйича назарий билим, воқеликка соғлом мафкуравий муносабат ҳамда тарғиботчилик маҳорати белгиланиб, ҳар бир мезон бўйича индикаторлар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот ишида мавжуд мезон ва индикаторлар асосида мактаб раҳбарлари мафкуравий компетентлигининг уч даражаси мазмуни ишлаб чиқилди. Улар:

юқори даража маънавият, мафкура, ғоя, бунёдкор ва вайронкор ғоя тушунчалари, уларнинг тарихий ва замонавий турлари, миллий ғояни тарғиб этиш йўллари, воситалари ва усуллари каби маълумотлардан тўла хабардор; таълим-тарбия жараёнига миллий ғоя ва маънавиятнинг ижобий таъсирини, мактабнинг мафкуравий муассаса, мактаб раҳбарининг идеолог сифатидаги ролини, миллий ғоя тарғиботи ва бошқарув жараёнида АКТ имкониятларини тўла англайди; ўзида мафкуравий компетентлиликни ривожлантиришга фаол интилади, мафкуравий компетентлилик (мафкура соҳасидаги билими, мафкуравий иммунитет ва тарғиботчилик маҳорати)ни яққол намоён қила олади;

ўрта даража маънавият, мафкура, ғоя, бунёдкор ва вайронкор ғоя тушунчалари, уларнинг тарихий ва замонавий турлари, миллий ғояни тарғиб этиш йўллари, воситалари ва усуллари каби маълумотлардан етарли даражада хабардор; таълим-тарбия жараёнига миллий ғоя ва маънавиятнинг ижобий таъсирини, мактабнинг мафкуравий муассаса, мактаб раҳбарининг идеолог сифатидаги ролини, миллий ғоя тарғиботи ва бошқарув жараёнида АКТ имкониятларини муайян даражада англайди; ўзида мафкуравий компетентлиликни ривожлантиришга интилади, мафкуравий компетентлилик (мафкура соҳасидаги билими, мафкуравий иммунитет ва тарғиботчилик маҳорати)ни яққол намоён қила олмайди;

паст даража маънавият, мафкура, ғоя, бунёдкор ва вайронкор ғоя тушунчалари, уларнинг тарихий ва замонавий турлари, миллий ғояни тарғиб этиш йўллари, воситалари ва усуллари каби маълумотлардан жуда кам даражада хабардор; таълим-тарбия жараёнига миллий ғоя ва маънавиятнинг ижобий таъсирини, мактабнинг мафкуравий муассаса, мактаб раҳбарининг идеолог сифатидаги ролини, миллий ғоя тарғиботи ва бошқарув жараёнида АКТ имкониятларини бир қадар англайди; ўзида мафкуравий компетентлиликни ривожлантиришга интилмайди, мафкуравий компетентлиликка (мафкура соҳасидаги билим, мафкуравий иммунитет ва тарғиботчилик маҳоратига) эга эмас.

Иккинчи боб хулосалари асосида миллий ғоя ва маънавиятимиз асосида мафкуравий компетентлиги ривожланган мактаб раҳбари моделининг якуний натижаси сифатида белгиланди.

Диссертациянинг «**Малака ошириш жараёнида умумтаълим мактаб раҳбарларининг мафкуравий компетентлигини ривожлантириш механизмларининг самарадорлиги**» номли учинчи бобида малака оширишда мактаб раҳбарларининг мафкуравий компетентлигини самарали ривожлантиришга йўналтирилган тажриба-синов дастури асосида олиб борилган амалий тадқиқот натижалари баён этилган.

Тажриба-синов ишларининг ташкилий тайёргарлик босқичида, тажриба-синов майдонлари этиб Самарқанд давлат университети, Фарғона давлат университети ва Чирчиқ давлат педагогика институти ҳузуридаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказлари ҳамда А.Авлоний номидаги ХТТРМХҚТМОИ белгиланди. Респондентлар сифатида малака ошириш курсидаги мактаб раҳбарлари белгиланиб, улар тажриба ва назорат гуруҳлари сифатида шакллантирилган.

Тадқиқот мавзусига доир адабиёт ва меъёрий ҳужжатларни ўрганиш ҳамда анкета сўровномалари натижасида мактаб раҳбарлари мафкуравий компетентлигида маънавият ва мафкура соҳаси бўйича илмий-назарий билим, мафкуравий иммунитет ва воқеликка соғлом мафкуравий муносабат ҳамда маънавий-мафкуравий фаоллик (миллий ғоя ва маънавиятни тарғиб эта олиш) масаласида муаммолар мавжудлиги аниқланди. Малака ошириш жараёнида мафкуравий компетентлиликни ривожлантирувчи ижтимоий фанлар блокига ажратилган соатлар миқдори (умумий 144 соат, 100%дан 18

соат, 12,5 %) оз экани ҳамда маънавий-маърифий тадбирлар тизимли асосда ташкил этилмаётгани баён этилди.

Мазкур бобда яна юқоридаги сўровнома натижалари ва бугунги кун раҳбарининг мафкуравий компетентлигини ривожлантиришга янгича ёндашиш зарурлигини эътиборга олган ҳолда:

мактаб раҳбарлари мафкуравий компетентлигини ривожлантиришга хизмат қилувчи «Халқ таълими тизими раҳбар ходимларининг мафкуравий компетентлигини ривожлантиришнинг инновацион технологиялари» илмий-тажрибавий махсус курс дастури ишлаб чиқилиб, малака ошириш таълимида мафкуравий компетентлиликни ривожлантириш мазмуни такомиллаштирилгани;

малака ошириш жараёнида мактаб раҳбарлари мафкуравий компетентлигини ривожлантирувчи аудитория ва аудиториядан ташқари маънавий-маърифий тадбирларни ҳамда баҳоловчи мезонларни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилганлиги;

малака ошириш жараёнида мафкуравий компетентлиликни ривожлантириш мазмунини такомиллаштириш орқали самарадорлик ортгани тажриба-синов йўли билан олинган натижалар математик-статистик усуллари орқали исботланганлиги кўрсатилган.

Илмий-тажрибавий махсус курс дастури бўйича аудитория ва аудиториядан ташқари маънавий-маърифий тадбирлар олиб борилиб, уларни ўзлаштирганлик даражаси курс аввали ва сўнггида ўтказилган сўровнома орқали аниқланди. Сўровнома назорат ва тажриба гуруҳи тингловчилари ўртасида уч йўналишда ўтказилди. Натижаларни қуйидаги жадвалда кўриш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Иштирокчиларнинг мафкуравий компетентлиги кўрсаткичларининг тажриба-синов жараёнидаги ўзгаришлари

Т/р	Мафкуравий компетентлилик кўрсаткичлари	Курсдан аввал n=221+219 (440) (Н ва Т гр)*		Курсдан сўнг			
		жами	%	n-221(Н гр)**		n-217 (Т гр)**	
				жами	%	жами	%
1.	Маънавият ва мафкура соҳаси бўйича илмий-назарий билимлари	196	44,5	112	50,5	171	78,7
2.	Мафкуравий иммунитет ва воқеликка маънавий-мафкуравий муносабати	179	40,7	102	46,2	166	76,5
3.	Маънавий-мафкуравий фаоллик (миллий ғоя ва маънавиятни тарғиб эта олиш) даражаси	198	45,1	117	52,9	170	78,4
	Ўртача	191	43,4	110	49,8	169	77,8

(Н ва Т гр) – назорат ва тажриба гуруҳидаги тингловчиларнинг умумий сони*

*(Н гр)**, (Т гр)** – назорат ва тажриба гуруҳ тингловчилари сони*


Юқоридаги жадвал натижаларига асосланган ҳолда умумтаълим мактаб раҳбарларининг «Халқ таълими тизими раҳбар ходимларининг мафкуравий

компетентлигини ривожлантиришнинг инновацион технологиялари» илмий-тажрибавий махсус курс дастурининг ўзлаштириши бўйича самарадорлигини аниқлаш юзасидан ўтказилган тажриба-синов натижалари тўғрисида тажриба ва назорат гуруҳидаги ўртача ўзлаштиришларини Стьюдент ва Пирсоннинг χ^2 математик-статистика методи ёрдамида таҳлил этиб натижаларни кўриб чиқдик (2-жадвал, 3-расм).

2-жадвал

Тажриба синов жараёнида тажриба гуруҳидаги тингловчиларнинг мафкуравий компетентлигини самарадорлик динамикаси

Тажриба синов даврлари	Даража кўрсаткичлари		
	Юқори	Ўрта	Паст
Тажриба аввали (n ₂ = 219 нафар)	76	86	57
Тажриба охири (n ₁ = 217 нафар)	163	36	18



3-расм. Ўтказилган тажриба синовлари кўрсаткичларининг тажриба гуруҳлардаги динамикаси

Математик-статистик метод натижаси, илмий-тажрибавий махсус курс дастури мактаб раҳбарларининг мафкуравий компетентлигини ривожлантириш самарадорлиги ортганини кўрсатди. Олинган натижалардан ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катталиги ва билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катталигини кўриш мумкин. Бундан маълумки, тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш 19,4% га юқори экани, бу эса ўз навбатида 1,28 баробар ортиқлигини кўрсатади.

Натижалардан кўришиб турибдики, илмий-тадқиқот ишлари жараёнида ишлаб чиқилган «Халқ таълими тизими раҳбар ходимларининг мафкуравий компетентлигини ривожлантиришнинг инновацион технологиялари» илмий-тажрибавий махсус курс дастури умумтаълим мактаб раҳбарларининг мафкуравий компетентлигини ривожлантиришда самарали натижа берди.

Умуман олганда, аввалдан ишлаб чиқилган тажриба-синов дастури асосида босқичма-босқич олиб борилган ишлар ҳақида ҳамда тадқиқот ишида кўйилган мақсадга эришилгани, эришилган натижалар асосида умумтаълим мактаб раҳбарларининг мафкуравий компетентлигини ривожлантиришда самараси янада ошгани ҳақида маълумотлар келтирилган.

Шундай қилиб, юқоридаги таҳлиллар тажриба-синов ишлари давомида умумтаълим мактаб раҳбарларининг мафкуравий компетентлигини ривожлантиришнинг ташкилий-педагогик тизимини такомиллаштириш мактаб раҳбарларининг мафкуравий компетентлигини ривожлантириш самарадорлигини оширишга таъсир кўрсатиши ҳақидаги илмий фаразни тасдиқлади.

ХУЛОСА

1. Олиб борилган илмий изланишлар глобаллашган ва ахборот алмашинув ўта жадаллашган даврининг таълимий-тарбиявий талабларидан келиб чиқиб, ўқувчи ёшларнинг маънавий ва ғоявий тарбиясини юксалтириш учун, аввало, мактаб раҳбарларининг мафкуравий компетентлигини ривожлантириш заруратини кўрсатди. Тадқиқот ишида мафкура субъекти бўлган шахсхусусиятини ифодалашда ишлатиладиган мафкуравий компетентлилик тушунчасини илмий истеъмолга киритиш таклиф этилиб, унга *«мафкуравий компетентлилик – бу шахснинг мафкура соҳасида чуқур билимга эгаллиги ва муайян мафкура бўйича кучли эътиқоднинг шаклланганлиги ҳамда ўз мафкурасидаги ғоя ва қарашларни бошқа инсонларда ҳам шакллантира олиш малакасини кўрсатувчи хусусият»*, дея илмий-доктринал таъриф берилди.

2. Таълим менежменти билан мафкура ўртасида ўзига хос диалектик алоқа мавжудлиги, ҳар бир мамлакат таълим бошқарувида ана шу мамлакатнинг расмий (ҳуқуқий асосга эга) ёки норасмий (ҳуқуқий асосларга эга бўлмаган) мафкураси роль ўйнаши аниқланди. Тадқиқот ишида мафкура ўз функциясига кўра таълим менежментининг стилини белгилаб берувчи омил эканлиги илмий асосланди.

3. Малака ошириш муассасаси миллий мафкурага бевосита дахлдор муассаса эканлиги, шунинг учун унинг фаолиятида таълимий (интеллектуал) ва тарбиявий (ғоявий-маънавий) йўналишлар мувозанатини сақлаш, бунинг учун малака ошириш жараёнини таълимий – аудитория ҳамда тарбиявий – аудиториядан ташқари маънавий-маърифий тадбирлар асосида ташкил этиш масаласи илмий-методик жиҳатдан асосланди.

4. Малака ошириш жараёнида мактаб раҳбарлари учун зарур бўлган компетенцияларни тўғри белгилаш ва уларни ривожлантириш амалиётини тўғри ташкил этишда айрим камчиликлар мавжудлиги, жумладан, тингловчи шахсида умумтаълим мактаби ва олий таълим босқичларида шаклланадаган компетенциялар малака ошириш таълимида ҳам такрорланаётгани, мактаб раҳбарлари фаолияти учун зарур компетенциялар аниқланмагани ва туркумланмагани ўрганилиб, мактаб раҳбарлари учун зарур

компетенциялардан бири, мафкуравий компетентлиликни ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди ва малака ошириш ўқув модуллари мазмунига киритилди.

5. Мафкуравий амалиётда мафкура учун субъект ҳам, объект ҳам инсон экани, таълим муассасаси раҳбари том маънода миллий мафкура учун субъект, яъни, идеолог ролини бажара олиши учун касбий (педагогик), бошқарув ва мафкуравий компетентлиликка эга бўлиши, раҳбар шахсининг ходимдан фарқи унда бошқарув ва мафкуравий компетентлилик юқори даражада бўлиши илмий асосланди ва малака ошириш жараёнида мактаб раҳбарлари мафкуравий компетентлигини ривожлантириш модели ишлаб чиқилди.

6. Миллий мафкура ўз мазмуни ва функциясига кўра мактаб раҳбарлари мафкуравий компетентлиги учун назарий-методологик асос экани, ҳозирда унинг таркиби учун идеал (позитив) ва ноидеал (негатив) образларни ҳамда ҳолат ва жараёнларни ифодаловчи категориялар зарур экани аниқланди ва мазкур зарурият юзасидан бир қатор категориялар таклиф этилиб, комбинациялаштирилди.

7. Малака ошириш жараёнида мактаб раҳбарларининг миллий ғояга асосланган мафкуравий компетентлигини ривожлантириш жараёни рационал факт ва маълумотларга асосланган аудитория машғулоти билан чекланиб қолмасдан, тингловчиларга ғоявий руҳ берадиган, улар қалбини озиклантирадиган маънавий-маърифий тадбирлар орқали амалга оширилиши аниқланиб, улар малака ошириш таълимининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда классификация қилинди ва тартибли амалга ошириш имконияти вужудга келтирилди.

8. Тадқиқотнинг тажриба-синов ишлари давомида мактаб раҳбарларининг мафкуравий компетентлилик даражасини аниқлаш ва баҳолаш механизмини такомиллаштиришда баҳолашнинг тест шакли қўйилган масала ечимига нисбатан эркин, ижодий ва танқидий фикрлаш қобилиятини пасайтириб, қуруқ ёд олиш, масала ечимига автоматик ёндашув тенденциясини кучайтириб юбориши аниқланиб, уни устуворлигини чеклаш ва унга муқобил сифатида тарбиявий, яъни аудиториядан ташқари машғулоти (портфолио, касбий амалиёт, маънавий-маърифий тадбирлар, малака иши ҳимояси, кўчма тадбир)ларга баҳолашнинг асосий шакли сифатида ёндашиш амалиётда юқори самара бериши аниқланди.

9. Тадқиқот мақсадининг амалга ошганлик даражасини ўрганиш якунида умумтаълим мактаб раҳбарларининг мафкуравий компетентлигини ривожлантирувчи механизмларни такомиллаштириш йўналишида ишлаб чиқилган «Халқ таълими тизими раҳбар ходимларининг мафкуравий компетентлигини ривожлантиришнинг инновацион технологиялари» илмий-тажрибавий қисқа муддатли курс дастури амалиётга жорий этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.30.05.2018.Ped.68.01 ПО ПРИСВОЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ПЕРЕПОДГОТОВКИ И
ПОВЫШЕНИЯ КВАЛИФИКАЦИИ РУКОВОДЯЩИХ РАБОТНИКОВ И
СПЕЦИАЛИСТОВ СИСТЕМЫ НАРОДНОГО ОБРАЗОВАНИЯ,
ГОЛОВНОЙ НАУЧНО-МЕТОДИЧЕСКИЙ ЦЕНТР**

**ИНСТИТУТ ПЕРЕПОДГОТОВКИ И ПОВЫШЕНИЯ КВАЛИФИКАЦИИ
РУКОВОДЯЩИХ РАБОТНИКОВ И СПЕЦИАЛИСТОВ СИСТЕМЫ
НАРОДНОГО ОБРАЗОВАНИЯ**

МАМАТКУЛОВ ДАВЛАТЖОН МАХАМАТЖОНОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕХАНИЗМОВ РАЗВИТИЯ
ИДЕОЛОГИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ РУКОВОДИТЕЛЕЙ
ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ШКОЛ В ПРОЦЕССЕ ПОВЫШЕНИЯ
КВАЛИФИКАЦИИ**

13.00.07 – Менеджмент в образовании

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PHD) ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2018

Тема диссертации на соискание степени доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2018.3.PhD/Ped231.

Диссертация выполнена в Институте переподготовки и повышения квалификации руководящих работников и специалистов системы народного образования.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Ученого совета (www.avloniy.uz) и на Информационном образовательном портале «ZiyoNET» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Шарипова Дилара Джуманиязовна
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты: Куронов Мухаммаджон
доктор педагогических наук, профессор

Каххарова Матлюба Манофовна
доктор философских наук, доцент

Ведущая организация: Наманганский государственный университет

Защита диссертации состоится «__» _____ 2018 года в ____ часов на заседании научного совета DSc.30.05.2018.Ped.68.01 при Институте переподготовки и повышения квалификации руководящих работников и специалистов системы народного образования, Головной научно-методический центр (Адрес: 100095, город Ташкент, ул. Зиё, д. 6. Тел.: (99871) 227-12-52; факс: (99871) 246-06-69; e-mail: avloniy@xtv.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института переподготовки и повышения квалификации руководящих работников и специалистов системы народного образования (зарегистрирована за № ____). Адрес: 100095, город Ташкент, ул. Зиё, д. 76. Тел.: (99871) 227-12-52; факс: (99871) 246-06-69.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 года.
(реестр протокола рассылки №__ от «__» _____ 2018 года).

Н.Х. Рахманкулова
Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, д.п.н., профессор

А.А. Бахрамов
Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученых степеней, к.ф.-м.н., доцент

Э.Р. Юзликаева
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению
ученых степеней, д.п.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации(PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. Во всем мире признано, что образование является основным фактором, обеспечивающим стабильное развитие, а в международной образовательной концепции до 2030 года, выдвинутой ЮНЕСКО, в качестве актуальной задачи определено «создание возможности получения качественного образования в продолжении всей жизни»¹. Качество образования в современной школе определяется не только учителями, которые в ней преподают, но также уровнем профессионального мастерства руководителя школы. Если школы, осуществляющие свою деятельность по пути повышения качества образования, будут руководиться высококвалифицированными и высокодуховными лицами, то они будут эффективно способствовать воспитанию всесторонне и гармонично развитой молодежи. С этой точки зрения наряду с повышением профессионального мастерства руководителя школы актуальным является развитие его духовности и идеологии.

В настоящее время в мировом масштабе осуществляются исследования на таких направлениях, как совершенствование научно-методологических основ развития профессиональных знаний и практических навыков руководящих кадров учебных заведений, повышение их квалификации по организации образования и управления им, совершенствования моделей развития их профессиональных компетенций. В данных исследованиях основное внимание уделяется проблемам повышения интеллектуального потенциала руководителей учебных заведений, но недостаточно изучены вопросы, связанные с развитием духовно-идейного мировоззрения руководителя. Это свидетельствует об одностороннем подходе к подготовке руководителей учебных заведений и их менеджерского потенциала.

В реформах, осуществляемых в системе образования нашей республики, особое внимание уделяется развитию профессиональной компетентности руководящих кадров. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены приоритетные задачи по развитию компетентности руководителей школ в процессе повышения квалификации: «продолжение курса... повышения доступности качественных образовательных услуг, подготовки высококвалифицированных кадров в соответствии с современными потребностями рынка труда»². Это предполагает совершенствование процесса повышения квалификации руководителей школ, усиление эффективности их компетенций, связанных с профессиональной деятельностью, в том числе механизмов, развивающих идеологическую компетентность.

¹ Incheon Declaration/Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (World Education Forum, 19-22 may 2015, Incheon, Republic of Korea).

² Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 «О стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 — 2021 годах» // Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., № 6, ст. 70.

Данная диссертация в определенной степени служит реализации задач, определенных в Указах и Постановлениях Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», УП-3160 «О повышении эффективности духовно-просветительской деятельности и поднятии на качественно новый уровень развития» от 28 июля 2017 года, ПП-3907 «О мерах по поднятию на качественно новый уровень системы духовно-нравственного и гармоничного воспитания молодежи, ее обучения и воспитания» от 14 августа 2018 года, ПП-3931 «О мерах по внедрению новых принципов управления в систему народного образования» от 5 сентября 2018 года и других нормативно-правовых актах, относящихся к данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертация выполнена в рамках приоритетного направления развития науки и технологии I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. Научно обоснованные выводы по вопросам роли идей и идеологии в учебно-воспитательной сфере, сущности и содержании национальной идеологии, о ее значении в учебно-воспитательном процессе и внедрении в сознание подрастающего поколения национальной идеи получили отражение в трудах первого Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова, докладах и выступлениях Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева. Данные источники послужили научно-методологической основой для диссертационного исследования.

Вопросы теории и практики идеологии, ее философские, социально-политические и воспитательные аспекты исследованы такими отечественными учеными, как Ж. Туленов, Т. Жураев, М. Куронов, Ш. Пахрутдинов, Н.К. Жураев, Ш. Гойибназаров, Х.Т. Одилкориёв, И. Каримов, С. Мамашокиров, Х. Тожиев, О. Мусурмонова, М. Каххорова, А.Ш. Бекмуродов, М. Бекмуродов, Ж.Б. Бахронов, С. Нишонова, С. Йулдошева, Ш.А. Акрамова, З.Т. Салиева, У.К. Утанов, такими учеными СНГ, как Н.К. Баранова, С.В. Куньшиков, П.В. Колозариди, Т.И. Ойзерман, Е.Н. Чекушкина, М.А. Ковалёв, Э.Б.Боев, М. Туровская и зарубежными учеными А. Дестют де Траси, Этьен Кондильяк, Славой Жижек, Walford George, Гарольд Уолсби, Чарльз Блаттберг, Девид Минар, Уиллард Маллинза.

Вместе с тем вопросы компетентности и научно-теоретических, педагогических основ повышения квалификации руководителей школ, совершенствования менеджмента качества образования получили отражение в исследованиях таких отечественных ученых, как Х.Ф. Рашидов, Ж.Г. Йулдошев, С.Т. Тургунов, Т.П. Афанасьева, И.А. Елисеева Р. Жураев, Н. Рахманкулова, М. Юлдашев, А. Аскарлов, Я. Исмадияров, таких ученых СНГ, как Н. Хомский, Л.А. Петровская, А.В. Хуторский, Д.А. Иванов, Л.Н.

Булыгина, Т.А. Махрачева, О.Н. Орлова и таких иностранных ученых, как G. Westhoff, Дж. Равен, J.C. Veacco, M. DiGiura.

Недостаточная изученность в существующих теоретических источниках механизмов, развивающих идеологическую компетентность руководителей школ в процессе повышения квалификации, наличие проблемы развития идеологической компетентности руководителей школ в процессе повышения квалификации показывают, что в этой сфере существует необходимость в глубоких научных подходах, новых знаниях.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ института повышения квалификации, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках инновационного проекта –1-ХТ-0-679004 на тему: «Подготовка и внедрение на практике учебно-методического пособия на основе научных результатов исследований, направленных на совершенствование механизма непрерывного повышения квалификации педагогических кадров» в соответствии с планом научно-исследовательских работ Института переподготовки и повышения квалификации руководящих работников и специалистов системы народного образования имени А. Авлони.

Цель исследования состоит в совершенствовании механизмов, развивающих идеологическую компетентность руководителей общеобразовательных школ в процессе повышения квалификации.

Задачи исследования:

